



ISSN 2181-9599

Doi Journal 10.26739/2181-9599

ЎТМИШГА НАЗАР

6 ЖИЛД, 2 СОН

ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ
ТОМ 6, НОМЕР 2

LOOK TO THE PAST
VOLUME 6, ISSUE 2



ТОШКЕНТ-2023

Бош муҳаррир:
Главный редактор:
Chief Editor:

Муртазаева Рахбар Хамидовна
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Бош муҳаррир ўринбосари:
Заместитель главного редактора:
Deputy Chief Editor:

Джураева Нилуфар Далибаевна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон жаҳон тиллари университети

ТАҲРИРИЙ МАСЛАҲАТ КЕНГАШИ | РЕДАКЦИОННЫЙ СОВЕТ | EDITORIAL BOARD

Сагдуллаев Анатолий Сагдуллаевич
тарих фанлари доктори,
профессор, академик,
Ўзбекистон Миллий университети

Бобожонова Дилором Бобожонова
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон жаҳон тиллари
университети

Юнусова Хуршида Эркиновна
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Кебадзе Мадонна
тарих фанлари доктори,
Телави давлат университети

Аширов Адхам Азимбаевич
тарих фанлари доктори, профессор,
ЎзР ФА Тарих институти

Агзамова Гулчеҳра Азизовна
тарих фанлари доктори, профессор,
ЎзР ФА Тарих институти

Бурдиашвили Майя
тарих фанлари доктори,
Телави давлат университети

Кожакеева Ляззат Темировна
тарих фанлари доктори, доцент,
Хотин-қизлар давлат педагогика
университети

Ульжаева Шохистахон Мамажоновна
тарих фанлари доктори,
Тошкент кимё - технология институти

Дорошенко Татьяна Ивановна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон Миллий университети

Бабаджанова Нодира Абдуллаевна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон давлат жаҳон
тиллари университети

Ширванова Тарана Амирага кызы
тарих фанлари номзоди, доцент,
Азербайджон давлат
иқтисодиёт университети

Гофоров Шокир Сафарович
тарих фанлари доктори, профессор
Самарқанд давлат университети

Эргашева Юлдуз Алимовна
Тарих фанлари доктори, профессор,
Қариши муҳандислик-иқтисодиёт
институти

Теймураз Ахалмосулишвили
тарих фанлари номзоди, профессор,
Телави давлат университети

Халикова Рахбар Эргашевна
тарих фанлари доктори, профессор,
Тошкент давлат техника университети

Ишанходжаева Замира Райимовна
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Эшов Боходир Жўраевич
тарих фанлари доктори, профессор
Қариши давлат университети

Махкамova Надира Раҳмановна
тарих фанлари доктори, профессор,
Тошкент ахборот технологиялари
университети

Абдуллаева Яхшибека Атамуратовна
тарих фанлари доктори, доцент,
Нукус давлат педагогика институти

Мустафаева Нодира Абдуллаевна
тарих фанлари доктори
Ўзбекистон Фанлар академияси

Ерметов Аваз Абдуллаевич
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Джоробекова Айнуэр Эшимбековна
тарих фанлари номзоди, профессор,
Қозоғистон дипломатия академияси

Раҳмонкулова Зумрад Бойхуразовна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон Миллий университети

Расулов Абдуллажон Нуриддинович
тарих фанлари доктори, профессор
Наманган давлат университети

Ковалев Борис Николаевич
тарих фанлари доктори, профессор
Санкт-Петербургда Тарих институти

Кобзева Ольга Петровна
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Ауанасова Алима Мусировна
тарих фанлари доктори, профессор,
Қозоғистон давлат тарихи институти

Бегалинова Калимаш Капсамаровна
фалсафа фанлари доктори, профессор,
Қозоғистон Миллий университети

Хайдаров Муродилла Махмудалиевич
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Алнева Лале
тарих фанлари доктори,
Озарбайжон давлат университети

Санпова Камола Давляталиевна
тарих фанлари доктори, доцент,
Ўзбекистон Миллий университети

Исмаилова Алмаз
тарих фанлари доктори,
Догистон мустақил университети


Иноятова Диларам Маниглиевна
Тарих фанлари доктори (DSc)
Ўзбекистон Миллий университети

Одилов Аброр Анварович
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон Миллий университети

Толибоева Нодира Одилжоновна
Тарих фанлари бўйича фалсафа
доктори (PhD), Ўзбекистон жаҳон
тиллари университети

МУНДАРИЖА | СОДЕРЖАНИЕ | CONTENT


1. Севара Пулатова ТАРИХИЙ ТАДҚИҚОТ МЕТОДЛАРИ ҲАҚИДА АЙРИМ МУЛОҲАЗАЛАР (Ғарбий Европа ва АҚШ тарихшунослиги методлари асосида).....	4
2. Дилафруз Атамуратова ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ РИВОЖЛАНИШНИ ТАЪМИНЛАШДА ЁШЛАРГА ОИД ДАВЛАТ СИЁСАТИНИНГ МОҲИЯТИ.....	10
3. Норпулат Аҳмеджанов ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТИДАГИ ТАРИХИЙ-МАДАНИЙ ЁДГОРЛИКЛАРНИНГ ЎРГАНИЛИШИ.....	16
4. С.И. Габриэлян XIX АСР ОХИРИ КОНСЕРВАТОРЛАР ДАВРИ ЭРОНИДА АНГЛИЯ СИЁСАТИДАГИ ЎЗГАРИШЛАР.....	21
5. Шахноза Касимова МУЗЕЙ КОММУНИКАЦИЯСИ БАДИИЙ ВА ЭСТЕТИК РИВОЖЛАНИШНИНГ УСЛУБИЙ АСОСИ СИФАТИДА.....	31
6. Қобулжон Насритдинов СУВ ХЎЖАЛИГИНИНГ РИВОЖЛАНИШИ ВА ПАХТА ЯККАҲОКИМЛИГИ СИЁСАТИГА БЎЙИНСУНДИРИЛИШИ ТАРИХИДАН (ФАРҒОНА ВОДИЙСИ МИСОЛИДА).....	36
7. Эркин Раджапов ТУРКИСТОН МИНТАҚАСИДА СОВЕТ ҲОКИМИЯТИНИНГ ҲАРБИЙ СИЁСАТИ ВА “МУСУЛМОН ҲАРБИЙ ҚИСМЛАРИ”.....	44
8. Гавҳар Турсунова РОССИЯ ИМПЕРИЯСИНИНГ СИРДАРЁ ВИЛОЯТИГА АҲОЛИНИ КЎЧИРИШ СИЁСАТИ ЖАРАЁНИДА МУСТАМЛАКА МАЪМУРИЯТИ ОЛИБ БОРГАН МАЪМУРИЙ-СИЁСИЙ БОШҚАРУВ ТИЗИМИ (XIX АСРНИНГ ИККИНЧИ ЯРМИ – XX АСР БОШЛАРИ).....	57
9. Nodira Shermatova ABU NASR FAROBİY FALSAFASIDA BILISH KATEGORIYALAR.....	70
10. Fotima Shirinova, Zumrat Kasimova MUSTAQILLIK YILLARIDA O'ZBEKISTONDA MA'NAVIY – MADANIY TARAQQIYOT.....	76
11. Бахтиёр Халмуратов ФАРҒОНА ВОДИЙСИДА ҲУНАРМАНДЧИЛИК: ЭТНИК ВА ҲУДУДИЙ ХУСУСИЯТЛАР.....	82
12. Xurshid Egamqulov XALQ XIZMATIGA BANSHIDA UMR (Jizzax “Milliy ittihad” sho‘basi a’zosi Orifjon Olimjonov haqida).....	86



Дилафруз Рашидовна Атамуратова,
Урганч давлат университети ўқитувчиси
atamuratovadilafruz@gmail.com

ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ РИВОЖЛАНИШИНИ ТАЪМИНЛАШДА ЁШЛАРГА ОИД ДАВЛАТ СИЁСАТИНИНГ МОҲИЯТИ

For citation: Dilafruz R. Atamuratova, THE ESSENCE OF THE STATE POLICY IN RESPECT OF YOUTH IN ENSURING THE DEVELOPMENT OF CIVIL SOCIETY. Look to the past. 2023, vol. 6, issue 2, pp.10-15

 <http://dx.doi.org/10.5281/zenodo.7680629>

АННОТАЦИЯ

Ёшларга оид сиёсатни ўрганиш нафақат ушбу ижтимоий гуруҳ муаммоларини тушуниш, балки бутун жамият тараққиёти истикболларини тушунтириш учун ҳам илмий қизиқиш уйғотаётганини кўриш қийин эмас, авлодлар алмашиш жараёни билан кечадиган ўзгаришларни илмий таҳлил асосида кузатиш, ижтимоий такрор ишлаб чиқариш механизмига кириб бориш, содир бўлаётган ҳодисаларнинг қонуниятларини тушуниш ва уларнинг асосли прогнозини амалга ошириш демакдир. Бу ёшларга оид ҳар томонлама шакл ва кўринишларда жамият билан алоқаларини аниқлашга қаратилган яхлит ёндашувни тақозо этади.

Мақолада Ўзбекистон тарихида ёшларга оид давлат сиёсатининг фуқаролик жамияти ривожланишини таъминлашдаги ўрни, мазмун-моҳияти таҳлил қилиниб, институционаллашув масаласи таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: ёшларга оид давлат сиёсати, фуқаролик жамияти, институтлашув, “учинчи сектор”.

Дилафруз Рашидовна Атамуратова,
Преподаватель Урганчского государственного университета
atamuratovadilafruz@gmail.com

СУЩНОСТЬ ГОСУДАРСТВЕННОЙ ПОЛИТИКИ В ОТНОШЕНИИ МОЛОДЕЖИ В ОБЕСПЕЧЕНИИ РАЗВИТИЯ ГРАЖДАНСКОГО ОБЩЕСТВА

АННОТАЦИЯ

Нетрудно заметить, что изучение молодежной политики представляет научный интерес не только для понимания проблем данной социальной группы, но и для объяснения перспектив развития всего общества, наблюдения за изменениями, происходящими при обмене поколений на основе научного анализа, проникнуть в механизм общественного воспроизводства, понять закономерности происходящих событий, а значит осуществить их разумный прогноз. Это требует целостного подхода, направленного на определение отношений молодежи с обществом во всех его формах и проявлениях.

В статье анализируется роль и сущность государственной молодежной политики в истории Узбекистана в обеспечении развития гражданского общества, анализируется вопрос институционализации.

Ключевые слова: государственная политика в отношении молодежи, гражданское общество, институционализация, «третий сектор».

Dilafroz R. Atamuratova,
Lecturer at Urgench State University
atamuratovadilafroz@gmail.com

THE ESSENCE OF THE STATE POLICY IN RESPECT OF YOUTH IN ENSURING THE DEVELOPMENT OF CIVIL SOCIETY

ABSTRACT

It is easy to see that the study of youth policy is of scientific interest not only for understanding the problems of a given social group, but also for explaining the prospects for the development of the whole society, monitoring the changes that occur during the exchange of generations on the basis of scientific analysis, penetrating the mechanism of social reproduction, understanding the patterns of ongoing events, and therefore to carry out their reasonable forecast. This requires a holistic approach aimed at defining the relationship of young people with society in all its forms and manifestations.

The article analyzes the role and essence of the state youth policy in the history of Uzbekistan in ensuring the development of civil society, analyzes the issue of institutionalization.

Index Terms: state youth policy, civil society, institutionalization, "third sector".

1. Долзарблиги:

Ёшларга оид давлат сиёсатини изчил ва самарали амалга ошириш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш тизимини ислоҳ этиш мақсадида қатор ташкилий ишлар ҳам амалга оширилди. Энг эътиборлиси – Ўзбекистон “Қамолот” ёшлар ижтимоий ҳаракатининг 2017 йил 30 июнь куни бўлиб ўтган IV Қурултойи қарорига мувофиқ Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи ташкил қилинди. 30 июнь куни мамлакатимизни “Ёшлар куни” деб байрам қилиниши белгилаб қўйилди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 10 июлдаги “Ёшларга оид давлат сиёсатини самарадорлигини ошириш ва Ўзбекистон ёшлар иттифоқи фаолиятини қўллаб-қувватлаш тўғрисида”ги Қарорига биноан қатор янги, мақсадли ва манзилли вазифалар белгилаб олинди.

2. Методлар:

Мақолада ёшларга оид давлат сиёсатининг моҳияти, бу ижтимоий-тарихий жараён Ғарбий Европа замонавий тарихчиларининг ёндашувлари асосида тарихий-қиёсий таҳлил қилинган.

3. Тадқиқот натижалари:

Ушбу вазифалар дастурий ҳужжат – “Ўзбекистоннинг 2017-2021 йилларда янада ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича “Ҳаракатлар стратегияси”да кўзда тутилган демократик давлат ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш борасидаги стратегик мақсадларидан келиб чиқади”[1].

Мазкур стратегия ва сиёсий ҳужжатдан келиб чиқиб, қуйидаги дозарб вазифалар белгилаб олинди:

- ёшларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва ҳуқуқий манфаатларини ҳимоя қилиш, уларни миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялаш, онги ва қалбида мустақиллик ғояларига садоқат, миллий ўзлигини англаш, Ватанга муҳаббат ва унинг тақдирига дахлдорлик, фидокорлик ҳиссини қарор топтириш ва ривожлантириш, турли мафкуравий таҳдидлардан асраш;

- демократик давлат ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш борасидаги ислохотларда ёшлар фаоллигини ошириш, юксак маънавият, мустақил фикрлайдиган, қатъий, ҳаётий позиция, кенг дунёқараш ва чуқур билимларга эга ташаббускор, шижоатли, эл-юрт

манфаати йўлида бор куч-ғайратини, билим ва салоҳиятини сафарбар қиладиган, мамлакат истиқболи учун масъулиятни ўз зиммасига олишга қодир ёшлар сафини кенгайтириш;

- ёшларнинг замонавий касб-хунарларни пухта эгаллаши учун муносиб шароитлар яратиш, бандлигини таъминлаш, ишбилармонлик қобилиятини ривожлантириш, уларни кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка кенг жалб этиш, ташаббусларини рағбатлантириш, интеллектуал ва ижодий салоҳиятини рўёбга чиқаришга кўмаклашиш;

- ёшларнинг илмий ва бадиий китоблар, жумладан, электрон асарларни ўқишга бўлган қизиқишларини янада ошириш, ҳуқуқий, экологик, тиббий ва ахборот-коммуникация технологиялардан фойдаланиш маданиятини юксалтириш орқали уларда турли мафкуравий таҳдидларга, хусусан, диний экстремизм, терроризм, “оммавий маданият” ва бошқа ёт ғояларга қарши мустаҳкам иммунитетни шакллантириш;

- ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзи ва оила муқаддаслиги ғояларини кенг тарғиб қилиш, эрта турмуш қуриш ва ёш оилалар ажралишининг олдини олишга қаратилган самарали тадбирларни амалга ошириш;

- ёшларни, айниқса, уларнинг уюшмаган қисмини бўш вақтини мазмунли ташкил этиш мақсадида спорт ва жисмоний тарбия билан шуғулланишга, ижодий тўғарақлар ва турли, жумладан, ҳорижий тилларга ўргатиш ўқув курсларига кенг жалб этиш;

- ёш оилалар, хусусан, имконияти чекланган ва ижтимоий ҳимояга муҳтож ёшларни маънавий ва моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, улар учун муносиб уй-жой ва ижтимоий-маиший шароитлар яратишга қаратилган мақсадли ишларни ташкил этиш;

- ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг барвақт олдини олиш ва профилактика қилиш ишларида фаол иштирок этиш;

- мамлакатда амалга оширилаётган ислохотларда фаол иштирок этадиган, халқ манфаатларига садоқат билан хизмат қиладиган билимли, ташаббускор, ишбилармон, ҳалол ва фидойи ёш раҳбар кадрларни тарбиялаш, захирасини яратиш ва уларнинг давлат ва хўжалик бошқарув органларининг масъул лавозимларига тавсия этиш;

- ёшлар сиёсати соҳасида ҳалқаро ҳамкорликни янада ривожлантириш, хорижий мамлакатларда таҳсил олаётган ва меҳнат қиладиган ёшларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган тадбирларни амалга ошириш;

- давлат ва хўжалик бошқарув органлари, нодавлат нотажорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларига ёшларга оид фаолиятини ташкил этишда ғоявий-услубий жиҳатдан кўмак бериш [2].

Юқорида санаб ўтилган бандларда давлат ижтимоий фаолиятининг асосий стратегияси ва жамиятда қарор топтиришнинг вектори акс этиб, ёшларга оид давлат сиёсатини мақсадли ва манзилли бўлишини таъминлайди. Шунинг билан бирга, ёшларга оид давлат сиёсатини жамиятда қарор топтириш учун турли ижтимоий-сиёсий институтлар – Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи, сиёсий партиялар, фуқароларни ўзини ўзи бошқариш органлари, таълим муассасалари зиммасига юксак масъулиятни ҳам юклайди. Бу омиллар бугунги кунда ҳаётга татбиқ қилинаётган ёшларга оид янги сиёсатнинг муҳим компонентларидан ҳисобланади.

Бугунги вазият, Ўзбекистонда демократик, ҳуқуқий, адолатли фуқаролик жамиятини барпо этиш долзарб вазифалари ёшлар ташкилотлари фаолиятини давлат институтлари билан ўзаро ҳамкорлигини бирлаштиришни тақозо қилади. Ёшлар ташкилотларини ўз ҳолига ташлаб қўймаслик, уларга давлат ва жамият ҳаётида, ислохотларда кенг ижтимоий-сиёсий иштирок этиши учун қафолат ва ваколатлар бериш ушбу ташкилотларни самарали ҳаракатларини юзага чиқаради.

Фуқаролик жамиятида барча ижтимоий масала ва муаммолар тизимли равишда ўз ечимини топиб боради. Бизнинг фикримизча, фуқаролик жамияти либерализм ғоясига асосланган бўлиб, фуқароларнинг ўз-ўзини бошқариш ва ташаббускорлиги принципига амал қилади. Бу омил патернализм, жамоавийлик тамойилларига асосланган Шарқ жамиятларидан фарқлигини юзага келтиради. Ёшларга оид давлат сиёсати ушбу жиҳатни ҳисобга олиши мақсадга мувофиқ бўлади.

Иккинчи муҳим жиҳат – ёшларга оид давлат сиёсати – ёшлар, уларнинг ташаббускорлиги, иқтидори, мустақил фикрлашлари ва эркин қарорлар қабул қилишлари учун бор имконият ва шароит яратишдир. Зеро, замон ўзгариб борапти, глобаллашув барча соҳани камраб олмакда, миллий қобиғдан чиқиб, умуминсоний қадриятларига (техника-технологиялар, инновациялар) уйғунлашиш даври келди. Янги Ўзбекистон янгича фикрлайдиган, илғор илмий, техник ва маданий технологияларни яратувчи янги типдаги фуқаролар – бугунги кунимизга янгиликларни татбиқ этишга талпинувчи ёш авлод мамлакатидир. Ёшларга оид давлат сиёсати, унинг ғояларини ижодий қўллашни такомиллаштиришни ҳам тақозо этади. Бу ижтимоий-тарихий (компоратив) ва контент таҳлиллар асосида амалга оширилади.

Бугунги даврда айрим тадқиқотчилар фуқаролик жамиятидан нафақат давлатни, балки ҳар қандай иқтисодий муносабатларни ҳам истисно қилади. Бундай ғоя таниқли испан олими Перес Диас томонидан олға сурилган [5, б.56]. Ушбу олим фуқаролик жамиятини нодавлат-нотижорат ташкилотлари, уларнинг беминнат, саховатпеша фаолияти билан боғлайди, бунини волонтерлик, яъни ўз ихтиёри билан ёрдам кўрсатиш муносабати кўринишида намоён бўлади, деб билади.

Ҳозирда Ғарбий Европада замонавий тарихчилар фуқаролик жамиятини “учинчи сектор” номи билан ҳам юритишади. “Учинчи сектор” деганда айнан давлат ва хусусий сектордан мустақил, давлатга ҳам, бизнесга ҳам аралашмайдиган нодавлат нотижорат ташкилотларни назарда тутилади. Соҳа олимларидан М.Қирғизбоев, А.Рахмонов ва бошқалар ҳам ушбу ёндашувни маъқуллайдилар. Перес Диас эса, фуқаролик жамияти таркибига ҳатто давлатни, оила ва бошқа жамоат ташкилотларини ҳам киритади. Унинг концепциясига биноан фуқаролик жамияти барча бошқа ижтимоий институтларни “ютиб” юборади, барча ижтимоий ҳодисаларнинг умумий, интегратив шаклда ифода этади.

“Учинчи сектор” Ғарб олимларининг нуқтаи назарида тор тушунча бўлиб, у нодавлат нотижорат ташкилотларинигина камраб олади. Ушбу фикрга қўшилиш қийин. Сабаби, нодавлат нотижорат ташкилотлардан ташқари ОАВ ва бошқалар, Ўзбекистон социумида эса фуқаролик жамиятининг ноёб тизими – маҳалла институтини ҳам киритиш мумкин. Ёшларга оид давлат сиёсати доирасида маҳалла институти ёшларни мустақил Ўзбекистон учун муносиб фуқаролар бўлиб етишишлари, шаклланишлари учун асосий ижтимоий бўғин вазифасини ўтаб беради. Ушбу ноёб тарихий институт орқали фуқаролик жамияти учун муҳим омиллар – “ижтимоий шерикчилик”, “жамоатчилик назорати”, “ижтимоий ҳамкорлик” қарор топади. Зеро, ёшлар иши, ёшлар муаммолари нафақат ёшлар ташкилотларининг, балки бутун жамиятнинг иши ва муаммосидир.

Шу ўринда соҳа олими А.Шариповнинг “ижтимоий ҳамкорлик сиёсати” фақат моддий ёки иқтисодий меҳнат муносабатлари аҳолигагина эмас, балки турли социал гуруҳ ва қатламлар, давлат ва маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш органлари иштирокида шартнома ва келишувлар, бошқарув қарорлари қабул қилиш ва уларни рўёбга чиқариш каби муҳим масалаларга ҳам йўналган бўлади”[9, б.79], деган мулоҳазасига қўшилиш мумкин.

Ёшларга оид давлат сиёсати қанчалик демократик, адолатли ёки “тўғри” бўлмасин, у ёшлар томонидан қўллаб-қувватланмаса, ёшлар қалбидан ўрин олмаса – бефойда ва самарасиз бўлиб қолаверади. Шу боис, ёшларга оид давлат сиёсатига диалектик ва институционал ёндашув зарур бўлади. Бу ўз навбатида, ёшларнинг давлат ҳаётидаги ислохотларнинг айна вақтда ҳам “объекти” ва ҳам “субъекти” эканлигидан далолат беради. Умуман олганда, тарихий ва фалсафий метрология, бизнинг таҳлил векторимиз ижтимоий жараёнларни фалсафий мушоҳадаси нуқтаи назаридан ҳар қандай давлат дастури – хоҳ у қонун бўлсин, хоҳ қарор ва фармон бўлсин ушбу жиҳатни ҳисобга олиши зарур. Агарда қонунларни уларнинг “респонденти” – субъектнинг онги, маданияти, дунёқараши, тарихий вақт, замон ва ижтимоий маконни инобатга олинмаса ҳеч қандай ҳуқуқий нормалар ўз самарасини бермайди. Қонунлар, фармонлар “ишлаши” учун улар ислохотлар объектида яъни, ёшларда муайян қизиқиш, унга дахлдорлик ҳиссини уйғотиши керак. Бу жиҳат тарихий аксиома даражасида туради. Бунини соҳибқирон Амир Темурнинг пирларидан бири, унинг бош маслаҳатчиси Саййид Амир Кулол

ўша даврдаёқ англаб етиб: “Билгинким инсон учун тутиб туриш ва тартибга солишдир..., ёмон кишиларни қўрқинч ва титроқда тутмоқ, яхшиларни тақдирламоқ керак... Агар сиёсат бўлмаса, давлатнинг муҳим ишлари амалга ошмайди; агар тартибот, жазо қонунлари бўлмаса, давлат ишлари ҳам ўнглашмайди, чунки ҳукмдорнинг, жамоанинг кўрки давлат ва диннинг ривожига бундай ҳаракатга боғлиқ” [3, б.103], дея эътироф этган.

Масаланинг концептуал жиҳатларига келсак “институтлашув” (лотинча *institution*) – ўрнатиш, ташкил қилиш деган маънони англатади. Демак, ёшларга оид давлат сиёсати ҳам амалда “ишлаши”, қарор топиши учун институтлашув жараёнидан ўтиши, синалмоғи лозим. Бу ўринда жамиятшунос олим Э.Қодировнинг “сиёсий ихтисослашув” – асосий сиёсий нормалар, сиёсий қадриятлар ва сиёсий хулқ-атвор андозаси жараёнининг ташкил этилиши, ҳуқуқий мустақамланиши ҳамда тан олиниши, шунингдек, уларга риоя этилишини назорат қилиш имкониятидир” [4, б.103], деган мулоҳазасига тўлиқ қўшилиш мумкин. Мониторинг институти ҳам шу асосда шаклланади. Институционаллашув фақат, у ёки бу норма, қоида ва фармонни ҳаётда ўрнатилишигина эмас, балки ижтимоий гуруҳнинг, фуқаронинг у ёки бу мақсад ва мафкура атрофида бирлашишини ҳам англатади. Россиялик таниқли олимлар К.П.Пугачев, А.И.Соловев ва бошқаларнинг фикрига кўра, бу одамларнинг муайян ташкилотларга уюшувидан иборатдир [7, б.201].

4. Хулосалар:

Демак, ижтимоий-тарихий борлиқ (ҳатто қонун ҳам) аввало, одамларга хизмат қилиши лозим. Бу қонун инсон манфаатлари ва эҳтиёжига мос келиши, инсон ҳаётида юзага келадиган “бўшлиқ”ни тўлдириши, барқарор тараққиётга хизмат қилиши керак демакдир. Бунинг учун у “юқори”дан, замонавий тилда “кабинет”дан тушурилмаслиги, реал жамиятнинг реал ҳаётгий эҳтиёжи, заруриятдан келиб чиқиши даркор. Бу ўзига хос институтлашув жараёни мавжудлигидан келиб чиқади. Бугунги замонда реал тарихий ислохотлар реал социологик анализ, фуқаро ва жамоатчилик фикри ҳамда кайфиятини инобатга олиб яратилади. Чунки реал сиёсат конкрет инсон эҳтиёжини қондириши, унинг манфаатларига зид келмаслиги зарур. Шунинг учун институтлашувнинг “альфа” ва “омега”си реал социум, яъни реал жамият, унинг реал эҳтиёжлари ҳисобланади. Бу жиҳат, ўз навбатида, реал самарали бошқарув (*management, public administration*) ҳодисаси билан боғлиқ.

Умуман олганда Ўзбекистонда барпо этилаётган фуқаролик жамияти бутун халқимизнинг асрий орзу-умидлари, манфаатларини ифода этади. Аҳолининг ёшлар қатлами эса ушбу жамиятни келажакда тасарруф этади. Шу боис фуқаролик жамиятининг тақдири ёшлар қўлида. Ёшларга оид давлат сиёсати – фуқаролик жамиятини барпо этишнинг назарий асоси ва муҳим амалий дастурдир. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва амалдаги қонунчилигимиз фуқаролик жамияти шаклланиши шароитида қонун устуворлигини таъминлашнинг норматив тамойили бўлиб хизмат қилади.

Иқтибослар/Сноски/References:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони. 2017 й. 7 февраль // **Ошибка! Недопустимый объект гиперссылки..** (Decree of the President of the Republic of Uzbekistan "On the strategy of actions for further development of the Republic of Uzbekistan". 2017 February 7 // <https://www.lex.uz/acts/3107036>).
2. Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами. 2017-йил. 27(787)-сон-607 модда. (Collection of legal documents of the Republic of Uzbekistan. 2017 year. Article 27(787)-No.607.).
3. Мақомат-и Сайид Комил. Қўлёзма, -ЎЗФА Ш.И. N866676, -Б. 103. (Maqamat -i Sayyid Kamil. Manuscript, - ASRU Institute of Oriental Studies. N866676, -P. 103.).
4. Қодиров Э. Ёшлар сиёсий маданиятининг шаклланиши. –Т.:ТДЮИ, 2010, -Б. 103. (Kadirov E. Formation of youth political culture. -Т.: TSLGI, 2010, -P. 103.).

5. Ramon A. Feenestra Diferentes concepciones de societal civil: la problematice de un concepto//Recerce, Revista de Pensament I Anilisi. 2008, -№8. –P. 56.
6. Саидов С. Фуқаролик жамияти (Ўзбекистонда фуқаролик жамияти институтларининг шаклланиши ва ривожланиши). Ўқув кўлланма – Т.: 2020. – 128 б. (Saidov S. Civil society (formation and development of civil society institutions in Uzbekistan). Study guide – Т.: 2020. – 128 p.).
7. Словарь философских терминов/Научная редакция проф. В.Б.Кузнецова. –М.: ИНФРА, 2007. -С. 201. (Dictionary of philosophical terms / Scientific edition of prof. V. B. Kuznetsova. -М.: INFRA, 2007. -P. 201.).
8. Соловьев А.И. Политология. Политическая теория. Политические технологии: учебник для вузов / А.И. Соловьев. М.: АспектПресс, 2000. 559 с. (Soloviev A.I. Political science. political theory. Political technologies: a textbook for universities / A.I. Solovyov. М.: AspectPress, 2000. 559 p.).
9. Шарипов А. Ижтимоий ҳамкорлик - барқарорлик омили. –Т.: Akademiya, -2010, 79-бет. (Sharipov A. Social cooperation is a factor of stability. - Т.: Academy, -2010, P. 79.).
10. Пугачев, В.П. Введение в политологию / В.П. Пугачев, А.И. Соловьев. М.: Аспект Пресс, 2003. 479 с. (Pugachev, V.P. Introduction to political science / V.P. Pugachev, A.I. Solovyov. М.: Aspect Press, 2003. 479 p.).

ЎТМИШГА НАЗАР

6 ЖИЛД, 2 СОН

ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ

ТОМ 6, НОМЕР 2

LOOK TO THE PAST

VOLUME 6, ISSUE 2

Editorial staff of the journals of www.tadqiqot.uz
Tadqiqot LLC the city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000

Контакт редакций журналов. www.tadqiqot.uz
ООО Тадqiqот город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000